

ИНСОН МАЪНАВИЯТИГА РАХНА СОЛУВЧИ “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”

Эштемир Жумаев ҚарМШИ катта ўқитувчиси

Ўзида жуда чуқур ва кенг қамровли маъно – мазмунли мужассам этган бу тушунчага ҳар қайси маърифатли инсон ўзининг фалсафий ёндашуви, сиёсий қарашлари ва эътиқоди, онгу тафаккуридан келиб чиққан ҳолда ёндашади.

Шу фикрни мантиқий давом эттириб, **“Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон – эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”**.¹

Маънавият – ахлоқ-одоб, ростгўйлик, виждон, ҳалоллик, самимият, иймон, эътиқод, ҳақиқат каби тушунчаларнинг йиғиндисидир.

Авлод – аجدодларимиз асрлар мобайнида интилиб келган маънавий ахлоқ, баркамоллик аввало, инсоннинг ўз – ўзини англаши бўлиб, у фақат таълим – тарбия орқалигина амалга оширилади. Ўз – ўзини англаш эса, бошқаларни англашга, демакки, дунёни англашга, унинг сир – асрорларини тушунишга йўл очади.

Халқимизнинг, миллатнинг маънавиятини соғломлаштириш бугунги кунда муҳим заруриятга айланди. Бу вазифани амалга ошириш учун ҳар бир инсоннинг қалбини, туйғуларини, ҳиссиётларини тарбиялаш, уларни сергаклаштириш, лоқайдликдан чиқариш лозим.

Маълумки, ўтмишни ўрганмай, келажакни яратиб бўлмайди. Қайси бир халқнинг маданияти қанчалик қадимий бўлса, ўша халқнинг маънавий

¹Ислом Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” Тошкент. “Маънавият”, 2008 йил, 19 – бет

илдизи ҳам шунчалик чуқур бўлади. Зеро ҳар қандай маданият, ҳар қандай ахлоқ, урф – одатлар катта инсоний фаолиятнинг синовлари, ҳаётий тажрибалари асосида юзага келади ва авлоддан авлодга мерос қолдирилади.

Халқимиз тарихи ва маданияти эса бир неча минг йиллар давомида шаклланиб, бойиб келмоқда. Бу эса бугунги кўлга киритган ютуқларимизнинг асосидир.

Мустақиллик маънавияти асосларини ўқувчи ва талабаларга ўргатиш, таълим мазмунини эски усул билан ўқитиб бўлмаслиги ҳаммага аён бўлиб қолди. Бу борада асосий эътибор – ўқувчи-талабага қаратилиши керак. Ўқувчи – талабанинг дарсда фаоллиги таълим жараёнида масъулиятни ҳис этиши кўп жиҳатдан ўқитувчининг ижодкорлигига боғлиқ. Ўқитувчи ўқиш учун муҳит, шароит, имконият, яратади. Ўқувчи талабанинг қобилиятига яраша билим беради.

Жаҳон маданияти бешигини тебратган башариятга бебаҳо тафаккур хазинасини, оламшумул билимлар қомусини қолдирган аجدодларимиз меросини чуқур ўрганмай туриб, бу вазифаларни амалга ошириб бўлмайди. Юқорида баён этилган мустақиллик маънавият асослари Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг асосий мағзини ташкил этади. Бу бойликни ўзлаштириб олиш кучли тарбиявий тадбирдир.

Шу асосда тараққиётнинг ҳар бир даврида ижтимоий тузум шахслар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маънавий муносабатларни шакллантириб боради ва идора қилади. Кишилар ўртасидаги муносабатларда инсонийлик фазилатлари муҳим аҳамиятга эга. Чунки улар одамни маънавий жиҳатдан камол топтириб ижтимоий муҳитни қарор топтиради. Кишиларнинг ўзаро яқин алоқалари миллий онгда урф-одат, анъана ва қадриятларнинг умумийлиги, феъл атвор, дид- савиялар

ухшашлиги, айниқса, бир тил воситасида муомала қилишда кузатилади.

Табиийки, ҳар бир инсон, жамият фарзанди сифатида, олам ҳодисаларини англаш, ўтмиш воқеаларини мушоҳада этиш, эски хатоларни такрорламай, янги ҳаёт бунёд этишда тўхтовсиз изланиши лозим. Тарихий хотира маънавий ва маданий тараққиётнинг муҳим омилларидан бири бўлса, асрлар давомида тўпланган тажрибалар инсоннинг камол топиши, миллий онги шаклланишида зарур омил ҳисобланади. Ахлоқий камолот маънавий бойликда, амалий бунёдкорлик фаолиятида, ижодий меҳнатда намоён бўлади ва инсон маънавиятида, руҳиятида миллий онг сифатида ифодаланади.

Аслида, миллий ва умуминсоний маънавият ҳамда миллий онг тушунчалари бир-бирига жуда яқин. Удумлар, маросимлар жамият тараққиёти негизида вужудга келади ва миллий онг сифатида шаклланади. Улар аста-секинлик билан умуминсоний қадрият ва маънавиятга айланиб, миллий онг негизини ташкил этади. Умуминсоний маънавиятга эга бўлган киши барча миллатларнинг тарихига ҳурмат –эҳтиром билан қарайди. Умуммиллий манфаатларга, Умуммиллий ғояларга бефарқ бўлмаслик, уларга содиқликни эътиқод ва ҳаётий дастурига айлантириш ҳар бир инсонни маънавий дунёқараши, миллий онгини бойитиб боришга ундайди. Бугунги кунда миллий маданиятимиз умуминсоний қадриятларни ўзлаштириш ҳисобига бойимоқда. Шу билан бирга маданиятимиз тарихий-миллий, диний ва фалсафий негизига қайтмоқда. Бу борада ҳукуматимиз юритаётган сиёсат туфайли маънавий ва маърифий меросимизни ўрганиш фахр –ифтихорга айланди. Буюк алломаларимиз ва тарихий сиймоларимизнинг илмий-маданий мероси қайта тикланаётгани, она тилимизга, муқаддас динимизга муносабат ўзгаргани маънавиятимизга куч-қувват бахш этади. Бу эса келгуси тараққиётнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Инсон маънавияти ва тарбиясига бевосита таъсир кўрсатадиган “оммавий маданият ” масаласи ҳам бугунги кунда жуда долзарб бўлиб бормоқда. Шу ўринда таъкидламоқ жоизки, глобал олам муаммолари ҳали бизга таалуқли эмас дегувчилар қаттиқ адашади. Кеча фақат қулоққа айтиш мумкин бўлган гаплар бугун очик ошкора оила даврасида, ҳатто оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилинаётгани миллий қадриятларимиз чегарасини бузиб киришга жиддий уринаётганининг яққол далилидир.

Одатда, бу масалага ечим сифатида тарбия миллий бўлиши зарурлиги ёшларни миллий руҳ асосида вояга етказиш лозимлиги қайта-қайта таъкидланади. Бунинг учун тўлиқ маънода миллий руҳни ўзида мужассам этган жамиятнинг интеллектуал элитасини шакллантириш зарур.

Президентимиз ҳар гал куюнчаклик билан бу хатарга қарши курашнинг мустаҳкам механизмини шакллантириш лозимлиги ҳақида фикр билдирар экан, “оммавий маданият” ниқобидаги тушунчалар билан умуминсоний қадриятлар ўртасидаги тафовутни нозик илғаш муҳимлигини таъкидлайди. Демокчимизки, “оммавий маданият” ниқобидаги истилочиликка қарши курашда ўзбек халқининг иммунитетини мавжуд. Хулоса қилиб айтганда, олдимизда маънавий жиҳатдан етук инсонни тарбиялашдек вазифа турган экан, айнан миллий онг комил инсонни шакллантирувчи манба эканлигини унутмаслигимиз лозимдир.